

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК МАҲМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,  
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВ ШУХРАТ МАХМУТОВИЧ**

**ОЛМАНИНГ ТУРЛИ ЭКОЛОГО-ГЕОГРАФИК ГУРУҲЛАРИ  
ХЎЖАЛИК-БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ  
СЕЛЕКЦИОН ҚИММАТЛИГИ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Ахмедов Шухрат Махмутович**

Олманинг турли эколого-географик гуруҳлари хўжалик-биологик хусусиятлари ва уларнинг селекцион қимматлиги ..... 3

**Ахмедов Шухрат Махмутович**

Хозайственно-биологические особенности яблони различных эколого-географических групп и их селекционная ценность ..... 21

**Akhmedov Shukhrat Makhmutovich**

Economic and biological features of various ecological and geographical apple groups and their breeding value..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК МАҲМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,  
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВ ШУХРАТ МАХМУТОВИЧ**

**ОЛМАНИНГ ТУРЛИ ЭКОЛОГО-ГЕОГРАФИК ГУРУҲЛАРИ  
ХЎЖАЛИК-БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ  
СЕЛЕКЦИОН ҚИММАТЛИГИ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Qx507** рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси академик Махмуд Миррасул номидagi бoғдорчилик, умумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Байметов Карим Исаевич**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:**

**Раҳманқулов Мурод Саид-Ақбарович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Жўраев Эркин Бахтиёрвич**

қишлоқ хўжалиги фанлари буйича фалсафа доктори

**Ўтақчи ташкилот:**

**Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети хузуридаги DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «16» 09 соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz)).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (549239-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2023 йил «31» 08 да тарқатилди.

(2023 йил «31» 08 даги 17 -рақамли реестр бeғиномиси).



**Г.Р. Холмуродова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д.,  
профессор

**А.А. Ишпилов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
к.х.ф.д., профессор

**Ф.Б. Наматов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қонидиги  
илмий ееминлар раиси, к.х.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда мевали экинлар орасида олма асосий ўринни эгаллаб, “дунё бўйича 2021 йилги маълумотларга асосан жами олма етиштирилаётган майдонлар 4,82 млн гектарни ташкил этиб, ўртача ҳосилдорлик гектаридан 19,3 тоннани, ялпи ҳосил 93,1 млн тоннани ташкил этди. Асосий олма етиштирувчи мамлакатлар Хитой (45,9 млн т), АҚШ (4,5 млн т), Туркия (4,5 млн т) ҳамда Польша (4,1 млн т) бўлиб, МДХ давлатлари орасида Россия (2,2 млн т) ва Украина (1,3 млн т) етакчи ҳисобланади”<sup>1</sup>. Ушбу мамлакатларда олма боғларини юқори ҳосилдорлиги асосан навларни тўғри танланиши билан изоҳланади. Худудларнинг тупроқ-иклим шароитларига мос навларни танлаш мевали ўсимликларни етиштиришда долзарб масаладир.

Олма навларини комплекс танлаш, навларнинг биологик ва хўжалик белгиларини тадқиқ қилиш ҳосилдорликни ҳамда мева сифатини ошишига олиб келади. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида сўнгги йилларда товарбоплиги юқори бўлган, шох-шаббаси ихчам, шунингдек, атроф-мухитнинг ноқулай шароитларига чидамли, ҳар йили ҳосил берувчи олма навларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим ҳисобланади. Янги навларни яратишда оталик ва оналик шакллариининг келиб чиқиши уларнинг биологик хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун навларни эколого-географик гуруҳларга ажратиб тавсиф бериш табиий классификациядан фойдаланилаётганлигидан дарак беради. Олманинг эколого-географик гуруҳларига баҳо бериш, уларни маълум хусусиятларини янги навларга ўтказиш бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича, хусусан олма боғларини кенгайтириш, уларни ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилашда қатор қонуний ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган<sup>2 3 4</sup>. Жумладан, “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да “Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ... кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш” мақсад қилинган. Ушбу мақсадларга эришишда, замонавий олма боғларидан юқори ҳосил олиш, навларни тўғри жойлаштириш эвазига сарф-харажатларни камайтириб, экологик соф маҳсулот етиштириш ҳамда илмий-тадқиқотларни шу йўналишларда ташкил қилиш долзарб масаладир. Шу билан бирга мавжуд олма боғларини янги навлар билан бойитиш, ишлаб чиқаришга хориждан олиб келинган, селекция йўли билан яратилган ҳамда маҳаллий шароитларда ўстирилаётган навлар эвазига кенгайтириш соҳани ривожда ўз ҳиссасини каттароқ қўшади.

<sup>1</sup> [www.fao.org/faostat/en/#data/QCL](http://www.fao.org/faostat/en/#data/QCL)

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/5841063#5843873>

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/3604601>

<sup>4</sup> <https://lex.uz/docs/4249824>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, боғдорчилик бўйича кластер тизимини шакллантириш, соҳага янги инновацион ишланмалар ва технологияларни жалб қилиш ҳамда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича чораларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқотлар республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё микёсида олма навларини таҳлил қилиш ҳамда комплекс қимматли-хўжалик белгиларини тадқиқ қилиш бўйича қатор илмий ишлар амалга оширилган. Хорижий олимлардан Хитойда – Y. Song, G. Daozhi, Японияда – M. Fujisawa, K. Kobayashi, N. Yoshikawa, Кореяда – W.Y. Choi, I.-S. Myung, Эронда – S. Rafiee, M. Farajzadeh, R. Fadavi ҳамда Ҳиндистонда – M.H. Wani, R. Shalini, олманинг географик ўзгарувчанлиги, навларни касалликларга чалиниши, чидамлилиқ қобилятлари, меваларни сифат кўрсаткичларига эътибор қаратилса, Европада – J. Bonany, J.M. Legave, жумладан, Германияда – F.M. Chmielewski, I. Wagner, Италияда – D. Spadaro, U. Vrhovsek, Чехияда – J. Blažek, I. Hlusickova дунё иқлим ўзгариши оқибатларида олма боғларини ҳолати, навлар мажмуи, уларни турли хавфли касалликларга чидамлилиқ хусусиятлари тадқиқ қилинган. Олмани Шимолий Америкада, жумладан АҚШда – T. Tworkoski, C.L. Bassett, Канадада – K. Sarah, J.A. Addison, K. Shahrokh ҳамда Австралияда – S.J. McKirdy, W.S. Washington, D.J. Mabblerley тадқиқ қилиши натижасида, қурғоқчиликка чидамлилиқнинг молекуляр-биологик асослари, пайвандтаглар ҳамда мавжуд навлар билан уларни мутаносиблиги, шунингдек, олмани чангланиш биологиясига оид ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда олма навларини комплекс баҳо бериш бўйича ишлар Рихард Рихардович Шредер номи билан боғлиқ бўлиб, уни бевосита раҳбарлигида ҳамда иштирокида олма коллекциясини барпо қилиш, навларни тадқиқ қилишни ташкил қилиш, селекция ишлари ҳамда янги навларни яратиш ишлари ўтказилган. Кейинчалик эса, ишлаб чиқаришга янги навларни киритиш бўйича амалий ишлар қилинган, хусусан А.Р. Шредер, А.Г. Шредер, Е.А. Дорохова (Шредер), А.А. Рибоков, А.П. Жукова, А.У. Арипов, М.М. Якубов, Ю.М. Джавакянц, Ж.Л. Джавакянц, М.В. Якушевич, Н.А. Ходжаева, Ҳ.А. Бобоева, С.Я. Исломов ва И.Т. Нормуратов илмий ишлар олиб боришган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Тошкент вилоятининг текислик

худудлари учун истиқболли янги олма навларини танлаш ва селекция учун бошланғич материал ажратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида №КХА-8-065-2012 “Қишлоқ хўжалик экинлари генофондини комплекс ўрганиш асосида селекция учун бирламчи манбалар ажратиб олиш” ва Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида №КХА-8-057-2015 “Комплекс қимматли-хўжалик белгиларига эга, юқори сифатли маҳаллий, четдан келтирилган мева-резавор экинлари навларини яратиш ҳамда ўрганиш”, №КХА-8-042 “Тошкент вилояти шароитида комплекс қимматли-хўжалик белгиларига эга мевали, резавор, субтропик, цитрус экинлари ва токнинг янги навларини яратиш ҳамда яратилганларини, четдан келтирилганларини ва маҳаллий навларини ўрганиш” мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олманинг маҳаллий, четдан келтирилган навларини биологик, хўжалик ва технологик хусусиятларини танлаш, шунингдек, селекция учун бошланғич материал сифатида истиқболли намуналарни ажратиш ҳамда ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

турли эколого-географик гуруҳларга мансуб олма навларининг асосий фенологик фазаларни ўтишини аниқлаш;

олма гуллаш биологиясини, гулчангини ҳаётчанлигини тадқиқ қилиш, ўзидан чангланиб ҳосил тугувчи навларни танлаш ҳамда ўзаро чангланувчи навларни аниқлаш ва истиқболли навлар учун чангловчи навларни танлаш;

олмани ҳосил туғиш биологияси, новдаларни ўсиш динамикасини тадқиқ қилиш, шох-шаббалари проекцияси юзаси ва ҳажми бўйича навларни танлаш, олманинг солкашлик кўрсаткичларини аниқлаш;

олманинг ҳар хил минтақалардан келиб чиққан навларини ҳосилдорлигини аниқлаш, ҳосилдорликни шох-шаббалар проекцияси юзаси ва ҳажми билан боғлиқлик кўрсаткичларини ҳисоблаш;

атроф-муҳитнинг ноқулай абиотик (қурғоқчилик, иссиққа ва совуққа чидамлилик) ва биотик (касаллик ва зараркунандаларга чидамлилик) омилларига чидамли навларни танлаш;

мевалари турли муддатларда пишиб етиладиган олма навларини кимёвий таркиби бўйича ажратиб олиш ҳамда кимёвий таркибдаги турли моддаларнинг ўзаро боғланганлигини аниқлаш, навларни дегустацион баҳосини ўтказиш;

олманинг турли навлари меваларини техник қайта ишлаш ҳамда сақлашга мойилларини танлаш;

олманинг селекцияда фойдаланиш учун асосий қимматли-хўжалик белгилари манбаларини танлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олманинг турли эколого-географик

худудларга мансуб 237 навлари (Ўсимликлар генетик ресурслари ИТИ олма коллекция боғида), шунингдек 155 навларидан (Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ИТИ олма коллекция боғларида) фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, олма навларини қимматли хўжалик-биологик хусусиятлари, уларни вегетациясини ўтиши, гуллаш ва ҳосил тугиш биологияси, ҳосилдорлиги, қурғокчиликка чидамлилиги, иссиқка чидамлилиги, совуқка чидамлилиги, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги, шунингдек меваларни сақланувчанлиги, қайта ишлаш учун яроқлиги, кимёвий таркиби бўйича танлаш ҳамда селекция учун истиқболли навларни ажратиш олиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Олма навларини комплекс тадқиқоти “Мевали, резавор ва ёнғоқмевали экин турлари навларини ўрганиш дастури ва услуги” ҳамда “Мевали, резавор, субтропик, ёнғоқмевали ва узум коллекциялари навларини ўрганиш дастури ва услуги”дан шунингдек, Я.С.Нестеровнинг “Интенсив типдаги навларни аниқлаш ва уруғли мева боғлари коллекцияларини ўрганиш”, ажратиш олинган олма навларининг қимматли-хўжалик белгилари манбаларини таърифлаш ВИР дескрипторлари, иқтисодий ҳисоб-китоблар П.Ф.Дубров услуги асосида фойдаланган ҳолда олиб борилди. Тадқиқотларни статистик таҳлил қилиш Б.А.Доспеховнинг дисперсион анализи асосида олиб борилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилояти шароитида олманинг маҳаллий ва четдан келтирилган навлари муҳим биологик, қимматли-хўжалик хусусиятлари ўрганиш асосида селекция учун хўжалик-қимматли белгилари мос бўлган олма нав намуналари танлаб олинган;

ўсимликлар генофондидан географик келиб чиқиши турлича бўлган олманинг морфобиологик ва қимматли хўжалик белгилари бўйича электрон маълумотлар базаси яратилган ва генофонднинг ахборот базасига киритилган;

олма навларининг бир гектар майдонга ҳисобланган ҳосилдорлик кўрсаткичларини дарахтларнинг шох-шабба проекцияси юзасига ҳамда шох-шаббалари ҳажмига нисбатан ўртача тескари корреляцион боғланганлиги исботланган;

мевалардаги куруқ модда таркиби ва умумий қанд миқдори ҳамда аскорбин кислотаси билан кучсиз тескари корреляцион боғланганлиги аниқланган;

иқтисодий кўрсаткичлар юқори бўлган эртапишар олма навлари орасида Июньское раннее ва Сувенир навлари; ўртапишар олма навлари орасида эса Ред Атлас, Джули ред, Табистона, шунингдек, Кальвиль розовий, Табистона, Скифянка, Ред Атлас навлари, кечпишар навлар орасидан Вайне спур, Валентин ва Ливодийское ҳамда Ричаред навлари ишлаб чиқаришга жорий қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

селекция учун қимматли-хўжалик белгилари, жумладан меваларни энг

эрта пишиш муддати бўйича 8 та нав; меваларни энг кеч пишиш муддати – 9 та нав; ўзидан мева тугувчи навлар – 5 та нав; юқори ҳосилдорлик – 23 та нав; хар йили ҳосил тугувчи навлар – 9 та нав; спур типдаги навлар – 24 та нав; ихчам шох-шаббали, интенсив типдаги – 17 та нав; қурғоқчиликка чидамлилиқ – 8 та нав; иссиққа чидамлилиқ – 6 та нав; совуққа чидамлилиқ – 12 та нав; парша касаллигига чидамлилиқ – 12 та нав; олма куртига чидамлилиқ – 7 та нав; меваларни юқори органолептик кўрсаткичлари – 16 та нав; меваларда юқори микдорда куруқ модда бўйича 12 та нав; меваларда юқори микдорда канд моддасини сақлаш бўйича 6 та нав; меваларни узоқ сақланиши бўйича 6 та нав; мевалардан юқори сифатли жем олиш бўйича 4 та нав ҳамда мевалардан юқори сифатли шарбат олиш бўйича 6 та нав танлаб олинди;

ишлаб чиқаришга олманинг юқори ҳосилдор, қурғоқчилик, иссиқлик, совуққа чидамли ҳамда касаллик ва зараркунандаларга бардошли, техник қайта ишлашга мойил, узоқ сақланувчи 18 та навлари мажмуиси тавсия қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий-тадқиқотларнинг ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, олинган маълумотларни қайта ишлашда статистика таҳлил услубларидан фойдаланилганлиги ва олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан мос келиши, тўпланган хулоса ва қонуниятларнинг илмий асосланганлиги, олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажрибалар натижалари билан таққослангани, олинган самарали натижаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олманинг истиқболли бўлган турли муддатларда пишиб етиладиган қимматли хўжалик-биологик хусусиятлари бўйича навларини ажратиб олиш ҳамда мавжуд олма сортиментини яхшилаш, мева ҳосилдорлиги, сифати, ўсимликнинг қурғоқчиликка, совуққа, иссиққа, касаллик ва зараркунандаларга бардошлилиги, меваларининг узоқ муддат сақланувчи, қайта ишланган маҳсулотларни юқори сифатли бўлган навларини ажратишнинг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олманинг юқори ҳосилдор, қурғоқчилик, иссиқлик, совуққа чидамли ҳамда касаллик ва зараркунандаларга бардошли, техник қайта ишлашга мойил, узоқ сақланувчи Джонаки летний, Ред атлас, Вайне спур, Ниагара, Валентин, Ливодийское, Кальвиль розовый, Ричаред, Хусне Юсуп, Табистона, Қизил Жонаки, Апорт кроваво-красний, Сувенир, Грамма юбилейное, Июньское раннее, Скифьянка, Джули ред ва Катта Жонаки навларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан баҳоланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олманинг турли эколого-географик гуруҳларига мансуб навларини хўжалик-биологик хусусиятлари бўйича танлаб олиш ҳамда селекцияга бошланғич материал сифатида тавсия этиш бўйича олинган натижалари асосида:

Тошкент вилоятининг боғдорчилик ҳудудларида ҳамда республикаимизнинг марказий, жанубий ва Фарғона водийси вилоятларида катта майдонларда экиш учун олманинг Джонаки летний, Ред атлас, Вайне

спур, Ниагара, Валентин, Ливодийское, Кальвиль розовий, Ричаред, Хусне Юсуп, Табистона, Қизил Жонаки, Апорт кроваво-красний, Сувенир, Грамма юбилейное, Июньское раннее, Скифянка, Джули ред ва Катта Жонаки навлари тавсия қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 07 сентябрдаги 02/029-3649-сон маълумотномаси). Натижада, ҳар хил муддатларда пишиб етиладиган, агроф-муҳитнинг ноқулай шароитларига чидамли навларни кенг тарқалиши, ҳудудларда барқарор мева етиштириш имконини берган;

олманинг Джонаки летний, Ред атлас, Вайне спур, Ниагара, Валентин, Ливодийское, Кальвиль розовий, Ричаред, Хусне Юсуп, Табистона, Қизил Жонаки, Апорт кроваво-красний, Сувенир, Грамма юбилейное, Июньское раннее, Скифянка, Джули ред ва Катта Жонаки навлари 2015-2020 йиллар мобайнида Тошкент вилоятининг Қибрай тумани ҳамда Сурхондарё вилоятининг Денов ва Сариосиё туманларидаги боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида жами 17,7 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 07 сентябрдаги 02/029-3649-сон маълумотномаси). Натижада, олманинг янги ва интродукция қилинган навларини экилиши ҳисобига стандарт навларга нисбатан 70-75 % юқори рентабелликка эришилиб, ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитлари учун мос бўлган олманинг навлар мажмуиси шакллантирилган;

олманинг Джонаки летний, Ред атлас, Вайне спур, Ниагара, Валентин навлари Қибрай туманидаги “Кендербек агро”, “Муҳиддин Голд агро”, “Исмоил бобо”, “Байтқўрғон Бобоҳон” ва “Сайёра агро Нур Файз” фермер хўжаликларида 10,0 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 07 сентябрдаги 02/029-3649-сон маълумотномаси). Натижада, олманинг янги ва интродукция қилинган навларини экилиши ҳисобига стандарт навларга нисбатан 75-90 % юқори рентабелликка эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала ва лаборатория шароитларида ўтказилган тажрибалар Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, шу жумладан, 4 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда жами 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.


Диссертациянинг «**Турли эколого-географик гуруҳларга мансуб олма навларининг хўжалик-биологик хусусиятларининг назарий ва амалий асослари (Адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида ишлаб чиқилган тадқиқот мавзуси бўйича хорижий ва республика илмий нашрларида келтирилган маълумотлар шарҳланган. Жумладан, асосий фенологик фазаларни ўтишида олма навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб фенофазаларини ўзгарувчанлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар баён этилган. Генератив органларнинг биологияси бўлимида ўсимликларнинг гуллаш биологияси ва унинг хусусиятларига бағишланган илмий адабиётларни таҳлили келтирилган. Мевали шохларнинг шаклланиш биологияси бўлимида новдаларни ўсиш динамикаси, спур типигаги олмалар, ҳосилдорликни шох-шабба юзаси проекцияси ҳамда ҳажмига нисбатан тақсимоти каби масалаларнинг илмий асослари тушунтирилган. Ташқи муҳитнинг стресс омилларига чидамлилиқ бўлимида курғокчилик, иссиқлик, совуқлик, шунингдек касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиқ хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича илмий ишлар натижалари баён этилган. Меваларни кимёвий таркиби бўлимида олма меваларининг турли хилдаги органик ва минерал моддаларнинг миқдорий кўрсаткичлари ҳамда ушбу моддаларнинг ўсимликнинг бошқа кўрсаткичлари билан боғланганлик мезонлари келтирилган бўлса, меваларни сақланувчанлиги ва технологик сифати бўлимида олма меваларидан қайта ишланган маҳсулотлар олиш, олма меваларини узоқ ва сифатли сақланиши бўйича илмий асосланган натижалар тавсифланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароити, услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган тажриба даласининг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда алоҳида тажрибаларни ўтказиш услуби ёритилган. «Тадқиқотнинг мақсади, вазифаси ва объекти», «Тадқиқот ўтказиш услуби» бўлимида ҳисоб-китоблар, тажриба маълумотларига камерал ва статистик ишлов бериш тартиби, шунингдек, иқтисодий самарадорлигини баҳолаш каби мезонлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Турли эколого-географик гуруҳларга мансуб олма навларининг хўжалик-биологик хусусиятлари ҳамда уларнинг**

селекциядаги аҳамияти» деб номланган учинчи бобининг «Олма навларининг асосий фенологик фазаларини ўтишининг қонуниятлари» бўлимида олманинг турли эколого-географик гуруҳларига мансуб навларини ўсув даврини бошланиши ва тугашини ўрганишда аниқландики, Ўрта ер денгизи гуруҳи вакиллари энг эрта вегетацияни бошлаган, шу билан бирга Шарқий Осиё ҳамда Австралия ва Океания гуруҳи навлари эса энг кеч вегетацияни бошлашган. Вегетация эрта ёки кеч бошланиши ўсимликларнинг биологик хусусиятлари бўлиб, ундан ташқари, хаво ҳароратининг ўзгаришига ҳам боғлиқдир. Бунда эрта вегетацияни бошловчи навларга ўртача фаол ҳарорат йиғиндиси 217,0° (Анна нави, ЎГРИТИ) ва 196,0° (Баҳор олма нави, БУВИТИ) етарли бўлган бўлса, энг кеч вегетацияни бошлаган навларга 534,3° (Лавфам нави, ЎГРИТИ) ва 446,8° (Саммеред нави, БУВИТИ) ҳарорат йиғиндиси талаб қилинган.

Гуллаш давомийлигини навлар кесимида кўриб чиқадиган бўлсак, энг қисқа муддат гуллаш фазасини ўтган Регистани, Старк сплендер ва Фрейберг навлари (3 кун, ЎГРИТИ) ҳамда Мельроуз ва Кокс ред делишес (4 кун, БУВИТИ), энг узок гуллаш муддати эса Анна (24 кун, ЎГРИТИ), Сигне Тилиш ва С-ц. Беренского розовое навлари (22 кун, ЎГРИТИ), шунингдек, Несравненное, Прикубанское ва Кубань навларида (31 кун, БУВИТИ) кузатилган (1 ва 2-расмлар).




1-расм. Олманинг турли эколого-географик гуруҳларининг гуллаш фазаларини йиллар давомида ўзгариши (ЎГРИТИ, 2009-2012 йй.)

Меваларни пишиш муддатлари таҳлил қилинганда, эртапишар навлар (1-30/VI) – Июньское красное (03/06), Раннее красное из Андижана (05/06), Июньское красное (03/06), Баҳор олма (04/06), ўртапишар навлар (1-31/VII) – Джули ред (02/07), Кизгиш (03/07), Гондриш (02/07), Скифянка (02/07), Джетти-су (02/07) ҳамда кечпишар навлар (1/VIII-10/IX) – Грани Смит (03/09), Ливодийское (05/09), Красний железняк (06/09), Либерти зимний (27/08), Кзил кечки (28/08), Кехура (28/08) ажратилган.

Эртапишар навлар олма генофондида 13,9% (ЎГРИТИ) ва 12,2% (БУВИТИ) ташкил қилган ҳолда, худди шундай кўрсаткич ўртапишар навлар

бўйича 25,3% (ЎГРИТИ) ва 33,5% (БУВИТИ), кечпишар навларда 60,7% (ЎГРИТИ) ва 54,2% (БУВИТИ) ташкил қилган.



**2-расм. Олманинг турли эколого-географик гуруҳларининг гуллаш фазаларини йиллар давомида ўзгариши (БУВИТИ, 2014-2017 йй.)**

«Генератив органлар биологиясининг қонуниятлари» бўлимида олма гулчанглариининг ҳаётчанлиги, навларни ўзидан чангланиб мева тугиши ҳамда олма навларининг ўзаро чанглана олиши ва чангловчи навлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

*Олма гулчанглариини ҳаётчанлиги.* Гулчанглариини ҳаётчанлиги йиллар давомида турлича бўлиб, баъзи йиллари ҳаётчанлик умуман аниқланмаса, баъзиларида эса деярли 85-90%ни ташкил қилган. Ўртача 4 йилда олинган натижаларга қараб гулчанглариини ҳаётчанлиги куйидаги навларда юқори бўлган: Боровинка Ташкентская –  $61,3 \pm 15,3\%$ , Ред Атлас –  $60,45 \pm 17,2\%$ , Афганское 255592 –  $55,1 \pm 9,0\%$ , Сегледи –  $71,77 \pm 17,18\%$ , Розмарин белий –  $69,35 \pm 17,92\%$  ва Голден Делишес –  $69,32 \pm 21,68\%$ .

*Навларни ўзидан чангланиб мева тугиши.* Тадқиқотимизда куйидаги навлар: Июньское раннее, Ред Атлас, Ричаред, Табистона ва Джонаки летний ўзини-ўзи чанглаб юқори ҳосил бериш имконияти борлигини исботлаган бўлса, коллекциядаги аксарият навлар қисман ҳосил тугиш билан чегараланган. Фақатгина Мутсу нави стерил бўлганлиги сабабли улардан тадқиқотларнинг барча йилларида ҳам мева тугилмади. Навларни ўзидан чангланиб мева тугиши Июньское раннее навида  $6,15 \pm 1,19\%$ , Ред Атлас –  $5,47 \pm 1,02\%$ , Ричаред –  $4,62 \pm 1,32\%$ , Табистона –  $4,20 \pm 0,88\%$  ва Джонаки летний навида  $3,95 \pm 0,66\%$  қайд қилинган.

*Навларни ўзаро чанглана олиши ва чангловчи навлар.* Олманинг чангловчи навларини танлаш бизнинг тадқиқотимиз бўйича Вайне спур, Июньское раннее, Ред Атлас ва Табистона навлари (ЎГРИТИ), шунингдек, Кальвиль розовий, Қизил Жонаки, Хусне Юсуп навлари (БУВИТИ) ажралиб чиқиб, ўзаро чангланувчи навлар жуфтлигига куйидагилар киритилган: Апорт кроваво-красний×Табистона, Вайне спур×Ниagara, Вайне спур×Ред Атлас, Джули ред×Вайне спур, Июньское раннее×Вайне спур, Ред Атлас×Вайне

спур (ЎГРИТИ) ҳамда Кальвиль розовий×Катта Жонақи, Катта Жонақи×Қизил Жонақи, Ричаред×Кальвиль розовий (БУВИТИ).

*«Олма навлари мева шохларининг шаклланиш биологияси ва мева ҳосилдорлиги бўйича навларни танлаш»* бўлимида олма навлари новдаларининг ўсиш динамикаси, мева тугиш типлари, олма дарахтларининг шох-шабба проекцияси юзаси ҳамда уларнинг ҳажми, солкашлик кўрсаткичлари, олма навларининг ҳосилдорлиги таҳлили, шунингдек, спур типдаги олма навлари тавсифи келтирилган.

*Новдаларни ўсиш динамикаси.* Олманинг эколого-географик гуруҳлари бўйича новдаларни ўсиш динамикаси кескин фарқлардан холи бўлиб, умумий тенденция бир меъёрдан ўсиш характериға эға. Бу хусусият бўйича гуруҳлар орасидаги фарқ аниқланмаган. Олманинг Июньское красное, Вильямс прайс навлари июль ойигача кучли ўсиб, шундан сўнг ўсиш динамикаси тўхтаган бўлса, Вайне спур, Рокса Ред Делишес ва Наполеон навлари новдаларида иккита ўсиш тўлқини кузатилган, бунда биринчиси май-июнь ойларида, иккинчиси август ойида бўлган.

*Олманинг мева тугиш типлари.* Олманинг мевалари турли хилдаги шох ва шохчаларда тугилади. Одатда, олма мевалари ҳалқали шохчаларда (кольчатка), найзасимон шохчаларда (копьеца), чивиксимон шохчаларда (прутик), мураккаб ҳалқасимон шохчаларда (плодуха) шаклланади. Мева шохлари типи бўйича ҳалқасимон шохчали (ЎГРИТИ – 53% ва БУВИТИ – 54%) ҳамда аралаш шохланиш типига (ЎГРИТИ – 34% ва БУВИТИ – 30%) мансуб навлар барча эколого-географик гуруҳлари вакилларида намоён бўлган. Шу билан бирға Шимолий Америка, Австралия ва Океания, Ўрта ер денгизи эколого-географик гуруҳлари вакилларида вегетатив шохларнинг учларида мева тугиш (I-тип), чивиксимон ва ҳалқали шохчаларда мева тугиш (III-тип) ҳамда ҳалқали шохчаларда ва вегетатив шохларнинг учларида мева тугиш (IV-тип) кузатилмаган.

*Шох-шабба проекцияси юзаси ва шох-шабба ҳажми.* Олма навларининг шох-шаббаси проекцияси кесими юзаси, шох-шаббанинг ҳажми ва шундан келиб чиқиб шартли бир гектар майдонда дарахт тупларини сонини ҳисоблаганда, энг кичик шох-шабба проекцияси кесими юзаси ва шох-шабба ҳажмининг кўрсаткичи бўйича Нейсер Кларател – 9,1 м<sup>2</sup> (шох-шабба проекцияси кесими юзаси) ва 10,6 м<sup>3</sup> (шох-шабба ҳажми), Старк сумар Делишес – 13,9 м<sup>2</sup> ва 21,2 м<sup>3</sup>, Эрлиблейз – 13,9 м<sup>2</sup> ва 25,9 м<sup>3</sup>, Малис Делишес – 7,1 м<sup>2</sup> ва 8,0 м<sup>3</sup>, Хардиспур Ред Делишес – 7,1 м<sup>2</sup> ва 8,0 м<sup>3</sup> ҳамда Купер Занзи Ред Делишес 7,1 м<sup>2</sup> ва 8,2 м<sup>3</sup> навлари алоҳида ажратилди. Бунда ихчам шох-шабба ўсимликларни майдон юза бирлигида кўпроқ жойлаштиришни, шу билан бирға интенсив боғларни кучли ва яримпакана пайвандтагларда яратиш имкониятини берганлиги исботланган.

*Олманинг солкашлик кўрсаткичи.* Солкашликка баҳо беришда биз олма навларини шартли равишда уч гуруҳға ажратдик, олманинг солкашлик кўрсаткичи бўйича ҳар йили мева ҳосили берувчи – Пскентский №3 (солкашлик кўрсаткичи 2,2%), Июньское персиковое (2,4%), Джули ред

(2,9%), Джонаки летний (5,0%), Саммеред (6,2%) навлари; қисман солкаш – Графенштейнское красное (25,6%), Батуллен (50,5%), Ричаред (44,1%), Джонаред (62,5%) навлари; хақиқий солкаш – Гарнет, Ламбурне, Медунья, Рутерфорд, Вадимовка ва Гондриш (барчасида солкашлик кўрсаткичи 100%) навлари ажратилган.

*Спур типдаги навлар.* Спур типдаги олма навларининг муҳим хусусияти, бу уларнинг мева ҳосилини ҳалқали шохчаларда тугилиши ва ушбу шохчаларда гулкуртақларнинг шаклланишининг фаол бўлишидир. Спур типдаги олма навларидан Вайне спур, Голд спур, Еллоу спур Делишес, Купер гуруҳидаги навлар, Макспур, Мекинтош спур, Морспур Голден Делишес, Скай спур, Старкримсон, Старкспур Голден Делишес, Старкспур ред, Старкспур Эрлиблейз, Ред спур, Ред спур делишес, Хардиспур Ред Делишес навлари ўзларининг “спурлик” хусусиятларини намоён қилиши ҳамда интенсив, ихчам шох-шаббали яримпакана боғларни барпо қилиш мақсадида танлаб олинган.

*Олма ҳосилдорлиги таҳлили.* Олмани ҳосилдорлигини бир тупдан, шох-шаббасининг проекция юзаси ва унинг ҳажмига нисбати, шунингдек, бир гектар майдондаги боғнинг ўртача ҳосилдорлиги бўйича баҳо берилган.

1-жадвал.

**Олманинг турли навларини бир тупдан, шох-шабба проекцияси юзасидан, шох-шабба ҳажмидан ва бир гектар майдондан келиб чиқиб ҳисобланган ҳосилдорлиги кўрсаткичлари (ЎҒРИТИ, 2009-2012 йй.)**

Навлар номи	Ҳосилдорлик			
	1 туп, кг/дар.	шох-шабба проекция юзаси, кг/м <sup>2</sup>	шох-шабба ҳажми, кг/м <sup>3</sup>	1 га боғ, ц/га
Аргус	1,8	0,04	0,02	2,5
Ванчская №1	31,5	0,66	0,29	42,9
Мекинтош ранний	41,8	0,92	0,48	59,6
Грани Смит	76,8	1,02	0,39	68,5
Кзил тарам алма (наз.)	90,0	3,93	2,46	238,5
Хубони	97,0	1,75	0,71	115,1
Боровинка Ташкентская (наз.)	97,3	3,44	1,78	213,3
Слава победителям	97,5	1,29	0,48	87,0
Розмарин белый	109,3	3,01	0,94	191,0
Ренет Симиренко (наз.)	109,8	2,70	1,39	172,9
Джули ред	120,0	2,95	1,36	189,0
Табистона	160,8	2,90	1,15	190,8

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида, олма навларининг ҳосилдорлиги турлича бўлиб, 2009-2012 йиллар давомида энг паст ҳосил берган навлар: Аргус (1,8 кг/туп), Гарнет (3,0 кг/туп) ва Кальвиль белий зимний (3,5 кг/туп) аниқланган. Шу билан бирга, 2014-2017 йилларда Гондриш (2,5 кг/туп), Рутерфорд (3,5 кг/туп) ва Вадимовка (5,0 кг/туп) навлари энг паст кўрсаткични кўрсатган бўлса, энг юқори ҳосил туп ҳисобидан қуйидагича

бўлган: Табистона (160,8 кг/туп), Старкспур Голден Делишес (170,8 кг/туп) ва Спартан (175,5 кг/туп) навлари (ЎГРИТИ) ҳамда Нафис (97,0 кг/туп) ва Джонаки зимний (122,8 кг/туп) навлари (БУВИТИ) (1 ва 2-жадваллар).

2-жадвал.

**Олманинг турли навларини бир тупдан, шох-шабба проекцияси юзасидан, шох-шабба ҳажмидан ва бир гектар майдондан келиб чиқиб ҳисобланган ҳосилдорлиги кўрсаткичлари (БУВИТИ, 2014-2017 йй.)**

Навлар номи	Ҳосилдорлик			
	1 туп, кг/дар.	шоҳ-шабба проекция юзаси, кг/м <sup>2</sup>	шоҳ-шабба ҳажми, кг/м <sup>3</sup>	1 га боғ, ц/га
Гондриш	2,5	0,25	0,19	13,5
Джонаред	36,0	3,97	3,30	215,1
С-ц. Бурхарда	54,8	1,81	0,97	113,2
Кзил тарам алма (наз.)	55,8	4,02	2,46	230,6
Голден пирос	55,8	5,48	4,32	301,7
Боровинка Ташкентская (наз.)	69,3	3,02	1,89	183,5
Чулпан	69,3	3,83	2,39	226,3
Ренет Симиренко (наз.)	72,3	3,40	2,13	204,8
Хусне Юсуп	73,0	3,44	2,34	206,9
Голден спур	76,3	8,40	6,81	455,5
Кзил Джонаки	90,5	5,00	2,78	295,8
Нафис	97,0	7,00	5,00	401,2

Тадқиқотда олма навларининг бир гектар майдонга ҳисобланган ҳосилдорлик кўрсаткичларини дарахтларнинг шох-шабба проекцияси юзасига ( $r = -0,45; -0,52$ ) ҳамда шох-шаббалари ҳажмига ( $r = -0,42; -0,47$ ) нисбатан ўртача тесқари корреляцион боғланганлиги исботланган.

**«Турли эколого-географик гуруҳларга мансуб олма навларининг абиотик ва биотик омилларига чидамлилиқ қонуниятлари»** бўлимида олма навларининг сув танқислиги, баргларининг сув ушлаб қолиш қобилияти, баргларининг умумий сув миқдори – қурғоқчиликка чидамлилиқ билан боғлаб ўрганилган бўлса, иссиққа ва совуққа чидамлилиқ абиотик омилларга бардошлиликда муҳим аҳамият касб этган. Бўлимда биотик омилларга чидамлилиқ – касаллик ва зараркундаларга бардошлилик алоҳида кўрсатиб ўтилган.

*Қурғоқчиликка чидамлилиқ.* Қурғоқчиликка баҳо беришда олма баргларининг сув танқислиги, сув ушлаб қолиш қобилияти ҳамда умумий сув миқдори инобатга олинди. Қурғоқчиликка нисбатан чидамли навлар: Қизғиш, Дастархони, Валентин, Кизил алма ранняя, Ниагара, Старкспур ред, Анна ва Табистона танланган.

*Олма навларини иссиққа чидамлилиги.* Олма навларини иссиққа чидамлилиги бўйича турли эколого-географик гуруҳлар вакиллари орасидан Валентин, Вайне спур, Ниагара, Ред Атлас, Жорж кав ва Самаркандское раннее иссиққа чидамли навлари танланган.

*Совуққа чидамлилиқ.* Совуққа чидамлилиққа баҳо беришда шимолий минтақаларда шаклланган олма навлари, хусусан Ренет Смирренко, Боровинка новая, Боровинка Ташкентская, Ред Атлас, Морспур Голден Делишес, Бен Девис Блек, Сувенир, Вайнсеп, Спартак, Вайне спур, Кортланд, Жорж кав, Корей ва Пепин Аллингтона совуққа чидамли навлари танланган.

*Навларнинг парша касаллигига чидамлиги.* Олма навларининг парша касаллигига чидамлигига баҳо берилганда, Кзил алма, Вайк ред делишес, Джойс, Кзил Джонаки, Вагнера призовое ва Купер №50 – қисман чидамли ҳамда Джантур №5, Афганское 255602, Михмони, Нафис, С-ц. Апорта ва Железняк – юқори даражада чидамли навлар сифатида танланган.

*Олма навларининг олма қурти чидамлиги.* Олма навларининг олма куртига нисбатан мутлақ чидамли бўлганлари аниқланмаган ҳолда, нисбатан чидамли навлар – Исполинское выставочное, Детское, Старк Эрлист, Кальвиль адерслебенский, Апорт кроваво-красный, Гузаль олма ва Детское (Болажон) танланган.

